

ТОШКЕНТ ОҚШОММИ

Газета 1966 йил 1 июлдан чиқа бошлаган

ШАҲАР ИЖТИМОЙ-СИЁСИЙ КУНДАЛИК ГАЗЕТАСИ

№ 152 (10.961)

Баҳоси эркин нархда


ПОЙТАХТНИНГ БИР КҮНИ

Янгиликлар, воқеалар

СЕРГЕЛИ ТУМАНИ ИҚТИСОДИНИНГ ЮКСАЛИШИДА ХОРИЖИЙ ҲАМКОРЛАР КЎШАЎТГАН ХИССА ҲАМ КАТТА БЎЛМҚДА. ХУСУСАН, ТУМАНДА МУВАФФАҚИЯТ БИЛАН ФАОЛИЯТ ЮРИТАЎТГАН «ШАХ-ТЕКСТИЛ» ХОРИЖИЙ КОРХОНАСИ ҲАМ БИРИНЧИ БОСҚИЧДА 2,5 МИЛЛИОН АҚШ ДОЛЛАРИГА ТЕНГ ИНВЕСТИЦИЯ КИРИТИБ, БУГУНГИ КУНГАЧА 160 ТА ЯНГИ ИШ ҲАМ ҲАМКОРЛАРИНИ ЯРАТДИ.

Хорижий корхоналарда

ЮҚОРИ СИФАТ — МУВАФФАҚИЯТ ОМИДИ



Имкон қадар энгилликлар яратилган, яъни улар икки маҳал иссиқ овқат билан таъминланиб, ишга бориб-келишда ҳам корхона транспорти хизматидан фойдаланадилар. Албатта, буларнинг бари «Ижтимоий ҳумоа йили» давлат дастури ижроси йўлида корхона ҳисобидан ташкил этилган қулайликлардир. Яна ёнимиздаги «Кумарик» маҳалласи, ўқув юртлири билан ҳамкорликни йўлга қўйиб, хомийлик, савоат йўлидаги тадбирларда иштирок этиб келмоқдамиз.

Бир сўз билан айтганда бўлса, хайрли мақсадларга қаратилган режа-

— Корхонамиз Италия, Туркия ва Англиядан келтирилган замонавий ишлаб чиқариш линиялари билан жиҳозланган, — дейди биз билан суҳбатда корхона директори Нодир Охунжонов. — Фаолиятимиз давомида ички ва ташқи бозорни ўрганиб харидор талаби ва дидига қараб сифатли, фойдаланиш учун қулай бўлган пайпоқларни етказиб беришга интилиб келмоқдамиз. Йилга 3,5 миллион жуфт пайпоқлар ишлаб чиқармоқдамиз ва маҳсулотларимиз бугунги кунда Европа давлатларига экспорт қилинади.

Келгусида бозор иқтисодиёти талабларидан келиб чиққан ҳолда ўзимизнинг ички бозоримизни ҳам сифатли, харидорғир моллар билан тўлдириб, шунингдек, Россия, Қўзғистон давлатларига ҳам экспортни йўлга қўйиш юзасидан шартномалар тузилмоқда.

Келажақда фаолиятимизни кенгайтирган ҳолда янги иш ўринлари сонини 300 тага етказиш ниятидамиз. Ҳозир корхонамиз ишчилари учун

Кечас сатрларда

● **БУГУН** Мирзо Улугбек туманидаги «Гулшан» маданият ва истироҳат борига Маънавият тарғибот марказининг туман бўлими ташаббуси билан «Шу азиз Ватан барчамизники» мавзуда ўтказилган маданий-маърифий тадбир мамлакатимиз Мустақиллигининг 16 йиллигига бағишланди.

● **БУГУН** Алишер Навоий номидаги Санъат саройида шаҳар фаоллари, маҳаллалар оқсоқоллари, хотин-қизлар комиссиялари раислари иштирокида ўтказилган тадбирда тобора яқинлашиб келаётган юртимиз Истиклолнинг 16 йиллигини муносиб кутиб олиш, шаҳримиз кўчаларини, маҳаллалар худудларини, хибобларни ободонлаштириш масалалари муҳокама қилинди.

● **БУГУН** Чилонзор туманидаги МХСК ста-



Халқимиз мустақилликка эришган, давлатимиз раҳбари Ислам Каримов раҳнамолигида ажодларимиз қолдирган бой маданий меросни тиклаш, асраб-авайлаш ва янада ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Буюк аллома ва азиз-авлибаларимиз муқаддас қадимларини таъмирлаш ҳамда ободонлаштириш, бой илмий-маданий меросини чуқур ўрганиш, аниқлаш, ёшларимиз онгу шуурига синдириш борасида улкан ишлар амалга оширилмоқда.

Ислам конференцияни ташкилотининг Таълим, фан ва маданият масалалари бўйича халқаро ислом ташкилоти (ISESCO) томонидан Тошкент шаҳрининг 2007 йилда ислом маданияти пойтахти деб эълон қилиниши мамлакатимизнинг ислом цивилизацияси равна-

лар, маҳсулот турини кўпайтириб янги иш ўринлари яратиш йўлидаги иланишлар корхона тадбиркорларини янада олдинга етаклаши, шубҳасиз.

Шоира МУҲАМЕДОВА СУРАТЛАРДА: «Шах-текстиль» хорижий корхонаси фаолиятдан лавҳалар

дионида «Ёзни «Камолот» билан!» лойиҳаси доирасида «Камолот» ЁИХ Чилонзор туман бўлими Кенгаши ташаббуси билан маҳаллалар болалари ўртасида уюштирилган тадбир ва футбол мусобақаси «Мен футболчи бўламан» деб номланди.

● **БУГУН** Шайхонтоҳур туманидаги «Қоратosh», «Сузук ота», «Чақар», «Янги шаҳар» маҳаллалари болалари иштирокида «Ёзни «Камолот» билан!» лойиҳаси доирасида девоғра расм чизиш акцияси ўтказилди.

● **БУГУН** Бектемир туманидаги «Астробод» гузарига ёш оилаларни моддий-маънавий жиҳатдан қўллаб-қувватлаш мақсадида Тошкент шаҳар ва Бектемир туман ҳокимликлари ҳамкорликларидан тўнмада яшовчи кам таъминланган келин-куввларнинг тўй маросимлари ўтказилди.

(Тошкент шаҳар ҳокимлигининг Ахборот хизмати ва ўз мухбирларимиз хабарларидан).

АНЖЕЛО ПЕРСИАНИ: «ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚИНИНГ МЕҲНАТСЕВАРЛИГИ ЎЗ САМАРАЛАРИНИ БЕРМОҚДА»

ИТАЛИЯНИНГ ЎЗБЕКИСТОНДАГИ ФАВҚУЛОДДА ВА МУХТОР ЭЛЧИ АНЖЕЛО ПЕРСИАНИ МАМЛАКАТИМИЗДАГИ ЎЗ ФАОЛИЯТИНИ ЯКУНЛАМОҚДА. ВАТАНИГА ҚАЙТИШ ОЛДИДАН ЭЛЧИ ЖАНОБЛАРИ «ЖАҲОН» АХБОРОТ АГЕНТЛИГИНИНГ МУХБИРИ БИЛАН СУҲБАТДА БЎЛДИ.

— Элчи жаноблари, Сиз Ўзбекистондаги фаолиятингизни яқунлаш арафасида турибсиз. Шу кезда Ўзбекистон-Италия муносабатларининг ҳозирги аҳоли тўғрисидаги фикрингизни билишни истар эдик. Дипломатия ваколатхонасининг раҳбари сифатида Сиз икки томонлама муносабатларни ривожлантириш йўлида қўлга киритилган натижаларни қандай баҳолайсиз? Қандай масалалар ечимини Сиз ўз давомчилигизга қолдирмоқдасиз?

— Икки томонлама муносабатлар тўғрисида тўхталар эканмиз, аввало, Италия Марказий Осиё давлатлари, хусусан, Ўзбекистон билан алоқаларни ҳар томонлама ривожлантиришга муҳим аҳамият қаратишини алоҳида таъкидлаш керак.

Жорий йил май ойида Италия ташқи ишлар вазирининг ўринбосари Джанни Вернетти минтақа мамлакатлари бўйлаб сафарда бўлди. Унинг Ўзбекистонга ташрифи давомида икки давлат ташқи ишлар вазирлари ўртасида Ҳамкорлик тўғрисидаги протокол имзоланди. Томонлар, шунингдек, икки томонлама қизиқиб уйғотадиган масалалар юзасидан ўзаро фикр алмашди. Мамлакатларимиз ўртасидаги ҳамкорликнинг устувор йўналишлари белгилаб олинди.

Муносабатларимизнинг айнаи пайдаги даражаси ва ҳамкорлик суръати менда тўла қониқиш ҳиссини уйғотмоқда. Ўзбекистондаги фаолиятим давомида икки томонлама муносабатларни ривожлантириш жараёнига ўз ҳиссамни қўшишга имкон қадар ҳаракат қилдим. Жумладан, юртингизда ЁСенинг (Италия Ташқи савдо миллий институти) ваколатхонаси очилди. Яқинда эса Италия ҳукумати икки томонлама савдо палатасини расман тан олди. Унинг қароргоҳи Миланда, ваколатхонаси эса Тошкентда жойлашган. Бу кўнча Италия билан Ўзбекистон ўртасидаги савдо айланиши ҳамкорлигини оширишга алоҳида аҳамият берилмоқда. Статистика маълумотларига кўра, унинг ҳажми 25 фоизга ошди. Шу ўринда мамлакатларимиз ўртасида икки томонлама савдо-иқтисодий муносабатларни ривожлантириш борасида улкан

салоҳият мавжуд эканини таъкидлаш ўринли бўлади.

Жорий йил сентябрида Римда «Марказий Осиё: Италиянинг аҳамияти ва Европа иштиқболлари» мавзуга бағишланган халқаро конференция бўлиб ўтди. Аминманки, мазкур анжуман Италия-Ўзбекистон муносабатларини мустақамлашга ўз ҳиссасини қўшади.

— Ўзаро муносабатларимизнинг қайси жабҳаларида ҳамкорлигимиз истиқболлари аниққас порлоқ, деб ўйлайсиз? Мавжуд имкониятлардан қандай фойдаланилмоқда?

— Икки томонлама ҳамкорликни ривожлантиришнинг истиқболли йўналишларидан бири — бу савдо-иқтисодий муносабатлар. Мазкур соҳада бизда улкан захиралар мавжуд. Бу, аввало, тўқимачилик ва қайта ишлаш саноати, қишлоқ хўжалиги ва озиқ-овқат саноатида дахлдор.

Мамлакатларимиз ўртасидаги жадвал ҳамкорлик бошқа жабҳаларда ҳам, жумладан, замонавий таҳдидларга қарши биргаликда қураш, маданият соҳасидаги лойиҳалар, Ўзбекистонга мунтазам келиб-кейтиб турган италиялик шифокорлар гуруҳлари билан ҳамкорликдан тортиб, то Афғонистондаги вазиятни яхшилашга бўлган соҳаларда намён бўлади.

Ўйлайманки, икки мамлакат ўртасидаги маданий ҳамкорликни ривожлантириш учун ҳам жуда яхши имкониятлар мавжуд. Айнаи пайтада Ўзбекистоннинг тўртта олий ўқув юртида Италиядан махсус тақлиф этилган ўқитувчилар талабаларга италия тилидан сабоқ бермоқда. 2005 йилда Самарқандда Марказий Осиёда ягона бўлган италия тили марказининг очилиши бу йўналишдаги муҳим воқеа бўлди.

Маданий ҳамкорлик тўғрисида гапирар эканмиз, Бухоро ҳамда Самарқандда Италия ташқи ишлар вазирлиги кўмағида иккита археология гуруҳи фаолият юритаётганини эслатиб ўтиш ўринли бўлади. Ўзбекистонликлар Италия халқининг бой маданий мероси, мусикаси, опера санъати, кино ва театрга катта қизиқиб билдираётгани қувонарли ҳолдир.

— Ўзи фаолият юритаётган мамлакатдаги ўзгаришларни кузатиш ва уларга баҳо бериш ҳар бир дипломатнинг бевосита вазифалари сирасига қиради. Шу маънода охириги йилларда Ўзбекистоннинг ижтимоий-иқтисодий ва сиёсий ҳаётида рўй берган ўзгаришлар тўғрисидаги фикрларингизни билмоқчи эдик.

(Давоми 2-бетда).

МАМЛАКАТИМИЗДА

● Қорақалпоғистон Республикасига «ЭКО-САН» халқаро ташкилоти томонидан «Ўзбекистон темир йўллари» давлат акционерлик компанияси билан биргаликда ташкил этилган, умумий қиймати 50 миллион сўмга тенг инсонпарварлик юклари ортилган навбатдаги саломатлик поезди жўнатилди. Жорий йил бошидан буён бу Қорақалпоғистонга жўнатилган иккинчи поезддир.

● Мустақиллигимизнинг 16 йиллиги ва Самарқанд шаҳрининг 2750 йиллигига тўғна сифатида топширилиши кўзда тутилган Гипермаркет савдо мажмуасида сўнги пардозлаш ишлари кетмоқда. Гипермаркет турли халқ истеъмоли моллари хориж мамлакатларидан бевосита келтирилиб сотувга қўйилган маҳсулотлар дўкони бўлиб, самарқандликлар тез орада ушбу қулайликлардан фойдалана бошлайдилар.

● Янги ўқув йили олдида Навоий вилояти, Нурота туманидаги Эски қишлоқ худудида 96 ўринли, Янгибино қишлоғида 410, Сентол қишлоғида 226, Жилонтамғали қишлоғида 422 ўринли мактаблар тўла таъмирдан чиқарилди. Нурота шаҳрида эса 411 ўқувчиға мўлжалланган янги мактаб қад ростлади.

● Оролбўйи худудидан Фарғона водийсининг сўлим гўшаларида дам олувчилар учун «Ўзбекистон ҳаво йўллари» миллий авиакомпанияси ажойиб қулайлик яратди: ҳафтасига бир марта «Нукус—Фарғона» йўналиши бўйича самолёт қатнови йўлга қўйилди.

● Гулистон шаҳрида «Қадрийлар бешигисан, маҳаллам!» широи остида Мустақиллигимизнинг 16 йиллигига бағишлаб «Маҳаллам тарихини ўрганаман» кўрик-танлови бўлиб ўтди.

● Сурхондарё вилоятидаги ҳарбий қисмлардан бирида Маънавият тарғибот маркази, «Камолот» ЁИХ, Республика Ёзувчилар уюмаси вилоят бўлимилари ҳамда Термиз шаҳар маданият ва спорт ишлари бошқармаси ҳамкорлигида «Мардлар кўриқлайди Ватани» номли тадбир ўтказилди.

● «Ижтимоий ҳумоа йили» Давлат дастурига мувофиқ Сурхондарё вилоятида ҳам кенг қамровли ишлар амалга оширилмоқда. Хусусан, ўтган ярим йилда аҳолининг ижтимоий ҳумоага муҳтож қатламлари — уруш қатнашчилари, ногирон ва қариялар, эҳтиёжманд оилаларни қўллаб-қувватлашга 10 миллиард сўмдан ортиқ маблағ йўналтирилди.

● Халқаро Амир Темур жамғармаси ва Ўзбекистон Ёзувчилар уюмаси Қашқадарё вилоят бўлимилари Қарши банк коллежи билан ҳамкорликда «Темурий маликалар» кўрик-танловини ўтказди.

● Шеробод туманидаги Сеплон қишлоғида «Агрохизмат»—«Шиндон» ўзбек-корей қўшма корхонасига қарашли лойиҳа қиймати 2 миллиард сўмлик ёғ-экстракция заводининг қурилиши ниҳоясига етмоқда. Корхонада ўсимлик ёғидан ташқари совун ҳам ишлаб чиқарилади, чорвадорлар эса шулха ва бошқа нарсалар билан таъминланади.

ЖАҲОНДА

● Кеча Ироқ бош вазири Нури ал-Маликийнинг Эронга ташрифи чоғида мамлакат Президенти Махмуд Ахмадинажот билан ўзаро рави доирасида минтақада тинчликни таъминлаш масалалари муҳокама қилинди.

● Кеча Грузия БМТнинг Ҳавфсизлик Кенгашига мамлакат ҳаво чегараларининг бузилиши муносабати билан батафсил текширув ўтказишни сўраб мувожаат қилди.

● Пхеньянда 28-30 август кунлари ўтказилиши мўлжалланган, икки мамлакатнинг тинч-тотувликда яшашига кўмаклашиш ниятида уюштирилаётган саммитда кейинги етти йил ичида илк бор Жанубий ва Шимолий Кореянинг етакчилари юзма-юз учрашишди.

● Кеча АҚШдаги Канаверал бўғозидан «Эндевар» космик кемасининг самоға муваффақиятли парвози амалга оширилди. Ундаги 7 нафар астронавтининг 11 кун ичида уч марта очиқ фазога чиқиши мўлжалланмоқда.

● Афғонистоннинг жанубида жойлашган Урузган музофотида Толибон ҳаракатининг 75 нафар жангариси Америка ҳарбий базасини қамал қилишга уринди. Уларга қарши ўтказилган ҳарбий операциялар чоғида 20 нафар жангари йўқ қилинди.

● Кеча Польша ички ишлар вазири Янош Качмарик истеъфога чиқарилди. У бир неча мафий сирларни ошкор қилганликда айбланмоқда.

● Россия Иқтисодий ривожланиш вазирлиги жорий йилнинг 15 сентябрига қадар мамлакатда «Mitsubishi» ва «Hyundai» автомобиллари йиғувини амалга ошириш борасида шартнома имзолашини маълум қилди. Жорий йилнинг сентябрь-октябрь ойларидаёқ юқоридаги компанияларнинг маҳаллий маъмурлар билан корхоналар қуриладиган майдонни танлаш юзасидан музокаларни бошлаб юбориши кутилмоқда.

● Ёввойи ҳайвонларни асраш жамияти (WCS) Конго Демократик Республикасининг шарқий қисмидаги илгари тадқиқ этилмаган ўрмонларда олти янги турдаги ҳайвонларни аниқлашга муваффақ бўлди.

ОБ-ҲАВО МАЪЛУМОТИ

Гидрометеорология хизмати марказининг маълум қилишича, 10 август кун Тошкентда ҳаво бироз булутли бўлади, ёғингарчилик бўлмади. Шарқдан секундиға 3-8 метр тезликда шамол эсади. Кечаси 20-22, кундузи 37-39 даража иссиқ бўлади.

(Давоми 2-бетда).

АНЖЕЛО ПЕРСИАНИ:

«ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚИНИНГ МЕХНАТСЕВАРЛИГИ ЎЗ САМАРАСINI БЕРМОҚДА»

(Давоми. Боши 1-бетда).

— Ҳақиқатан ҳам, дипломат учун ўзи ишлаётган мамлакатдаги турли жараёнларни, шу жумладан, ижтимоий-иқтисодий соҳадаги ўзгаришларни кузатиш билан ҳам таққослаш олиш ниҳоятда муҳим аҳамият касб этади. Бу мавзуга тўхталар эканми, Ўзбекистон охириги йилларда ялпи ички маҳсулотнинг барқарор ва юқори суръатда ўсишига эришганини таъкидлашимиз керак. Ўзбекистон халқи ниҳоятда меҳнатсевар ва бу ўз самарасини бермоқда. Ўз навбатида, умид қиламанки, юртингизнинг иқтисодий имкониятларига катта қизиқиш билдираётган италиялик ишбилармонлар ҳам унинг иқтисодий тараққиётига ва халқ фаровонлигига оширишга ўз ҳиссасини қўшади.

Ўзбекистон ҳукумати ва парламент мамлакатнинг энг долзарб муаммоларини ҳал этишга алоҳида эътибор билан ёндашганга энг юксак баҳога лойиқдир. Шу ўринда яқинда Сенат томонидан қабул қилинган ўлим жазосини бекор қилишни ва «habeas corpus» тамойилини ҳаётга татбиқ қилишини қўзда тутадиган қонунларни тўла қўллаб-қувватлашимни билдиришни истар эдим.

— Ўзбекистонга келишдан аввал мамлакатимиз тўғрисидаги тасаввурингиз қандай эдию, энди юртимиздан қандай таассуротлар билан қайтмоқдасиз? Утган йиллар давомида Ўзбекистон, ўзбек халқининг маданияти ва анъаналари тўғрисидаги таассуротларингиз қанчалар ўзгарди?

— Мамлакатингизга келишдан аввал турли адабиётларни кўздан кечириб, унинг тарихи ва ҳозирги кун, илм-фани ва маданияти ҳақида атрофлича маълумот олган эдим. Лекин уларни ўз кўзинг билан кўриш бошқача экан.

Ўзбекистон табииятининг гўзаллиги, тарихий-археологик ва мейморий ёдгорликларининг улугворлигини таърифлашга тил ожиз. Уларни фақат кўриш ва ҳис этиш керак. Одамларнинг саховатпешалигига бағрикенглиги, меҳмондўстлиги, ўзининг кўп асрлик бой ва беқувват маданияти, анъаналари ва урф-одатларини асраб-авайлаши эса алоҳида таҳсинга сазовордир. Ўзбекистонга келган биринчи кунларимданқоқ юртингизга «чун дилдан меҳр кўйдим. Вақт ўтгани сайин қалбимдаги ҳис-туйғулар фақат кучайиб борди. Мамлакат бўйлаб кўллаб саёхатларим менга олам-олам роҳат бағишлади.

Юртингизда кечган йилларим давомида ўзбек халқи бу заминда туғилган, яшаган ва ижод қилган буюк давлат арбоблари ва алломалари — Ал-Хоразмийдан тортиб, Амир Темур, Ибн Синогача ҳамда кўллаб гўзал бинолари, бой маданият-маънавий анъаналари билан фахрлиниши учун барча асослар борлигига ишонч ҳосил қилдим.

Ишончим комилки, менинг кўнглимда Ўзбекистонга нисбатан мавжуд бўлган илиқ ҳис-туйғуларни италияликлар ҳам кўллаб-қувватлайди. Халқларимиз ўртасида бир-бирига нисбатан чуқур ҳурмат-эҳтиром хисси мавжуд. Бу фикрнинг тасдиғини мамлакатингизга ошқабатган италиялик сайёҳлар сонининг мунтазам равишда ошиб бораётганига ҳам кузатиш мумкин. Жумладан, биргина жорий йилнинг уч ойида Ўзбекистонга келган ватандошларимнинг сони 2006 йилга нисбатан 65 фоизга ошди. Дарвоқе, ўтган йили юртингизда 10 мингдан зиёд италиялик сайёҳ меҳмон бўлган эди. Буларнинг барчаси Италия — Ўзбекистон муносабатларининг келажига ишонч билан қараш учун асос бўла олади.

Сўхбатдош: Бобур СОБИРОВ, «Жаҳон» АА муҳбири

Албатта, нафақат бугунги Ўзбекистонимизни, балки Тошкентимизнинг гўзал ва бетакрор қиёфасини асло-асло кечагиси билан таққослаб бўлмайди. У шубҳасиз ер юзининг энг гўзал, энг мўтабаб, энг кўркам шаҳарларидан бирига айланди. Унинг халққаро майдондаги нуфузи ошди. Тошкент тинчлик, дўстлик шаҳри бўлибгина қолмай, балки Ислмо маданияти пойтахтига айланди.

Бугун ҳамма бир овоздан «Мустақиллик Тошкентини яратиб, яшнатиб юборди» деган сўзни ифтихор билан тилга олмақда. Шаҳримиз бўйлаб бунёдкорликлар бир зум тинмайпти, йилнинг тўрт фаслида давом этмоқда. Шу ўринда шўр, бу улкан қурилишларнинг замирида наима ётади, деган сўзларнинг тугилиши табиий. Бу саволга ичимиздан халқ иқболи, келажига, эл-улуснинг бахту саодати ётади, деган жавоб келади.

Бир галки такрорлашга мажбуримиз. Истиқлол халқимиз онгини, шуурини, тафаккурини, тушунчасини тубдан ўзгартириб юборди. Бугунги одамлар «Бер, бер» деб эмас, балки «Мен Мустақилликка нима бердим?» деган қайфият билан яшайдиган бўлди. Шундай экан, бугун қадам-қадам чирои очиб, ҳусну латофатга тўлиб бораётган она шаҳримиз ҳақида хар қанча ширин сўз айтсак оз.

Шундай дамларда қалбингизни ларзага солиб, йиллар қадр сени тўлқинлантириб келётган сўзларнинг қай бирини қозоғга туширишни ҳам билмай қолсан киши. Ахир не-не машури жаҳон шоирлар, доно ва зукко ақли донишлар ажиб бир ўхшатишлар билан шаҳримиз таърифини аллақачонлар оламга достон айлаган бўлса, мен бир оддий қаламшак уларга етказиб сўз айта оларимдим, деган фикр ўтади ҳаёлингдан. Лекин шундай бўлсада кўнгили истагига қарши боролмайсан. «Бўзчи билганини тўқийди» қабилида бўлсада она шаҳар ҳақида бирикки оғиз сўз айтишни ўзининг виждоний бурчинг деб ҳисоблайсан.

Галнинг индалласини Мустақиллик майдонидан бошлаш керак тўғри бўлади. Чунки бу майдон давлатимиз раҳбари тили билан айтганда «Мамлакатимизнинг муқаддас тимсоли». Истиқлол йилларида бу майдон бетакрор қиёфа касб этди. Бу жойда мисли кўрилмаган бунёдкорлик ва ободонлаштириш ишлари олиб борилди. Шаҳримизга келган меҳмон борки, юртимиз кўрки бўлган бу жойга қадам ранжида қўймай кетмайди. Юртбошимиз ташаббуси билан бунёд этилган Эзулик аркаси майдонга алоҳида кўрк ва мазмун бағишлаган. Унинг тепасида парвозга шайланган турган лайлақлар, ер шарни—Тинчлик ва хотиржамлик рамзи. Майдон ҳуснига мос бўлиб тушган ҳукумат ва Сенат бинолари кўрган кўзни қувонтиради. Шаҳримизнинг ҳақиқий маънавият марказига айланган 10 гектарлик майдоннинг ҳар бир қаричи бетакрор, ҳушманзарра. Майдоннинг ўнг томонидан ўрин олган «Мотамаср она» ёдгорлик мажмуи атрофи таширф бюрувчиларга қўчғини кенг очган. Анҳор бўйлари файзли ва фусункор. Уртага ўрнатилган фаввора ким ўзарга осмону фалакка сув пуркайди.

— Бу майдон шаҳримизнинг кўзғуси. У йиллар қадр мафтункор бўлиб бормоқда. Ўзим бу масканда тез-тез бўлиб тураман. Одамлар билан сўхбатлашаман. Ҳамшаҳарларим, хориқликларингиз қайноқ меҳрига тўла дил сўзларини эшитганимда кўнглим тоғдек кўтарилиб кетади. Шундай гўзал шаҳарда яшаётганимдан фахрланаман,— дейди майдонни сайр қилиб юрган нуруний отахон Қўбилбобо Носиров ўз таассуротларини биз билан ўртқолади.

Бугун мутафаккир шоир номи билан аталуви Миллий боққа қирмабсиз, оламга келмасиз. Чунки йиллар давомида ўз кўркини йўқотган бу боғ Юртбошимиз ташаббуси билан қайтадан бунёд этилиб, бугун бутунлай янги қиёфа касб этган. Ундан биринчи бўлиб, Навоий болонимизнинг ҳайкали ўрин олганди. У боққа Халқлар Дўстлиги саройи томонидан кириб келётган таширф бюрувчиларни гўё бу кутулғ масканга чорлаб тургандек. Шаҳримизнинг кўрки бўлган бу боққа Мўҳимий номли музикали театр ёки катта шохўчанинг сўл томонидан бир назар ташланг, замонавий кўринишга эга бўлган кириш йўли, ундан сал нарида аста чаққилиб турган мовий кўл кўзга ташланади. Соя-салқин узун йўлга сизни кўл устида бунёд этилган оролча томдан ўтган кўрпик сари олиб боради. Кўрпикдан ўтсангиз тўрт томони сув билан ўралган хузурбахш мас-

кан— чойнонага дуч келасиз. Энди шу ерда ўтириб бир пиёла чой ичинг, бир зумда бутун чарчоғингиз ёзилиб кетади. Атрофдаги ўзгаришлар, янгилинишлардан кўнглингиз тоғдек кўтарилади.

Богнинг Олий Мажлисга туташ томонидан яна бир мухташам бино қад кўтарган. Кўргазмалар павильони ўрин олган бу иншоот ҳам Мустақиллигимиз тўғрисида.

Тўғра тўёна билан бориш азалий одатимиз. Шу боис Истиқлол байрами нишонланган кунлар арафасида шаҳримизнинг турли бурчақларида қатор маданий-маиший бинолар, йирик саройлар, спорт мажмуалари—сузми ҳавзалари, стадион, халқ таълими муассасалари — лицей, коллеж, мактаблар, мактабгача таълим муассасалари, кенг ва равои йўллар, маҳобати кўрпиклар фойдаланишга топширилади. Бу йил ҳам мазкур анъана давом этмоқда. Бир қатор иншоотлар байрам тўғрисида бўлади.

Ишдан қайтаётди Темирийлар тарихи Давлат музейи олдидки кенг чет эллик Сайёҳга дуч келдик. Улар биздан шу бино ҳақида сўзлаб беришни илтимос қилишди. Истақларини бажо келтирдик. Кейин йўлимиз бир тушиб Юнусобод томон кетдик. Сайёҳлар «Дедеман» Силк Роади меҳмон-

қилиши ортиб бормоқда. Тарихсиз келажак бўлмаганидек, ўтмиши ўрганишда, қўй маънавий меросини авайлаб-ағрашда, биз қандай буюк зотларнинг авлоди эканлигимизни англашда муқаддас динимизнинг ўрни ва аҳамияти беқувват. Президентимиз «Туркистон пресс» нодвалат ахборот агентлиги муҳбирига Берган интервьюсида таъкидлаганидек «Инсонийлик, меҳр-оқибат, ҳалоллик, охиратини ўйлаб яшаш, саховат ва муруват сингари халқимизга мансуб бўлган фазилатлар айнан шу заминда илдиэ отади ва ривожланади». Зеро, юртимизда ислом маданиятининг юксалиши шаҳардаги муқаддас жойларнинг номлари билан чамбарчас боғлиқдир. Хусусан давлатимиз раҳбарининг «Хазрати Имом (Ҳас-тимом) жамоатчилиқ жағмарасини қўллаб-қувватлаш тўғрисида» қабул қилган Қарори ана шу эътиборнинг давлат миқёсидаги яна бир амалий намоишидир. Ушбу Қарор Ислам дини ва фалсафасини, унинг инсонпарварлик гоғларини кенг ёйишда хизмат қилиб келётган йирик илмий—маърифий марказнинг асл тарихий қиёфасини тиклаш, бу ерда кенг қўламли қурилиш-таъмирлаш ва ободонлаштириш ишларини амалга ошириш, мажмуанинг инфрақурилишини ҳар томонлама ривожлантиришда муҳим ўрин тутди.

Бугун фахр билан айтмиш мумкинки, мамлакатимизда амалга оширилган бу улуг ва саховатли ишга ўз ҳиссасини қўшган инсонлар, корхона ва ташкилотлар, тадбиркору ва ишбилармонларни санаб адоғига етиб бўлмайди. Аввало Юртбошимиз ташаббуси ва саховатпеша халқимизнинг саъй-ҳаракати билан катта бир мейморий мажмуа бунёдга келдики, у бугун нафақат савобталаб халқимиз, ҳатто чет элликларнинг ҳам эътиборини қозониб, уларнинг орозули зиёратгоҳига айланди.

Яқинда ўзимиз ушбу мажмуада бўлиб, у ердан бир олам таассуротлар билан қайтдик. Кўрса кўргулик, ҳавас қилса арзиғулик. Бу ерда ким билан учрашмайлик, уларнинг тилида, дилида бу мажмуанинг бунёдкорларига бўлган миннатдорчилик туйғуси жўш уради. «Бу обиданинг ташаббускори ва меймори Юртбошимиз», дейишдади одамлар. Эл дуссини олиш ва фаҳматига сазовор бўлиш эса рақат юрт фидойиларигагина насиб этади. Бу бахтдан ортиқ бағи бўлмас керак.

Тошкентта Оллоҳнинг назари тушган дейимиз. Бу ҳақ гап. Чиндан ҳам Тошкентимиз мана шундай муқаддас ва табарруқ жой. Бу кўхна шаҳарда бўлган ва бўлиб ўтаётган янгиликлар, яхши амаллару тадбирларнинг сон-саногий йўқ. Бу бағри кенг, оққўнғил, эзгуликка интилувчи, меҳмондўст шаҳарда кунчи кеча бўлиб ўтган талаба ёшларнинг «Универсиада — 2007» спорт ўйинлари ҳамон қалбларимизни тўлқинлантириб турибди. Қизғин ва муросасиз ўтган бешлашларда спорт оламининг чинакам ишқибозлари спортнинг 12 тури бўйича ўзаро куч синашдилар. 2000 йилдан бошлаб уюштириб келинаётган бу босқичдан иборат улуксиз тизим—Умид ниҳоллари, «Баркамол авлод» ва «Универсиада» спорт ўйинлари кўллаб иқтидорли спортчилар учун маҳорат мактаби бўлиб хизмат қилмоқда.

Мамлакатимизда спортга очилган кенг йўл йил сайин ўзининг ижобий натижаларини кўрсатмоқда. Шахмат тождори—жаҳон чемпиони Рустам Қосимжоновнинг муваффақияти ҳали диллардан кетмай туриб, Ўзбекистоннинг ва ўз номини жаҳон спорти тарихи саҳифаларига зарҳал ҳарфлар билан битган ватандошларимиз—Бокс бўйича жаҳон чемпиони Руслан Чагаевнинг номи тилларимизда достон бўлиб турибди. Шубҳасиз, бундай оламшумул муваффақиятлар спорт оламига кириб келётган ёшларимизнинг спортга бўлган қизиқишини, юлдузларга ўхшаб Ўзбекистон байроғини жаҳон майдонларида юқори кўтаришга бўлган ҳавасини янада ортиради.

Хуллас айтман десак гап, ёзаман десак янғилик кўп. Лекин бир ўтиришда уларнинг барчасини бошдан-омёк таърифу-тавсифини келтиришимиз имкони йўқ. Шундай экан, шу ерда сўзимизни муктасар қилиб хар бир кунги йилларга тенг бўлган юртимиз, Тошкентимиз ҳақида яхши бир тилқ билдирайлик. Илоҳим серкўёш Шарқнинг маъшайли бўлган юртимизга кўз тегмасин. Йиллар қадр улугворлик касб этиб, нурулиниб, турлиниб бораётган Тошкентимизнинг толеи ҳаммиса баланд бўлсин. Унинг номи мудоом олам узра таралаверсин. Истиқлол кўёши бошимизда абадул абад чарақлаб турсин.

Маҳдум КОМИЛҲОНОВ

ИСЛОМ МАДАНИЯТИНИНГ НОЁБ ДУРДОҲАСИ

(Давоми. Боши 1-бетда).

Ўзбекистон Республикасининг Вазирлар Маҳкамасининг 2007 йил 8 июнда қабул қилинган «Усмон Мухсаф»ни талаб даражасида сақлашни таъминлаш тўғрисида»ги қарори маънавий елдиэларимизни тиклаш ва кжак авлодга беэаволга етказишга қаратилган яна бирҳим қадам бўлди. Маълумки, Курьони каримнинг эндиимий нусхаларидан бўлган «Усмон Мухсаф» (Усмоурьони) мамлакатимизда - Ўзбекистон мусулмонлардорасининг кутубхонасида авайлаб сақланмоқда. Ифа Усмон ибн Аффон амри билан VII асрда китоб ида тартибга келтирилган ва бир неча нусха кўчирилган. Муқаддас Курьонининг «Усмон Мухсаф» соҳирон Амир Темур томонидан юртимизга олиб келинганурьон матни шун даврнинг етук хаттотлари томониданқўрилган. Бизгача унинг 353 арағи (706 саҳифа)тиб келган.

Вазирлар Маҳкамасининг қайд этилган қарс ижросини таъминлашга қаратилган ишларни амаллаширишга киришилди.

— «Усмон Мухсаф»нинг айнан бизнинг заминизда сақланаётгани халқимиз учун катта бахт, юкс шарофдир, — дейди Ўзбекистон мусулмонлари ияси раисининг ўринбосари Абдулазиз Мансур. — зкур муқаддас китоб наинки диний, айни чоғда гоғатта маданий, илмий-маърифий аҳамиятга эга. Дунёсулмонлари, зиё аҳли Усмон Курьонининг мамлақкиизда сақланаётганига ҳавас билан қаради.

Истиқлол шарофати билан юртимизда миллийаданий, диний қадриятларимизни қайта тиклаш, бичмаънавий меросимизни мукамал ўрганиш баробари «Усмон Мухсаф»ни асраб-авайлаш, унинг аҳамияти халқимизга, айниқса ёшларимизга тушунтириш бсида амалга оширилаётган эзгу ишлар гоғатда хайрли. Албатта, ушбу китобни таъмирлаш ишларини савали ташкил этиш тегишли ташкилот ва идораларнифаол ҳамкорлигини талаб этади. Шу боис, ҳукуматиморорига мувофиқ «Усмон Мухсаф»нинг асл холатисақлаш, таъмирлаш бўйича ҳулоса ва таклифларлаб қиқш учун мутахассислардан иборат махсус гҳ тузилди.

Ушбу гуруҳ таркиби тегишли вазирлик ва идлар вакиллари, олимлар, хаттот, муқоваловчи, таъловчи, қоғоз тайёрловчи усталар, шунингдек, кимий қўлёзмалири таъмирлаш ва сақлаш ишлари бўй илмий-амалий жиҳатдан катта тажрибага эга, айндундай манбалар сақланаётган жойларда фаолиятитаетган хориқлик экспертлардан иборат. Гуруҳжамон Мухсаф»нинг бугунги кундаги холатини аниқ уни талаб даражасида сақлашга салбий таъсир этиувчмилирларни ўрганиб, дастлабки ҳулоса ва таклифлар» тайёрлайди.

Китобнинг асрлар давомида зарар етган жоғрини таъмирлаш керакми ёки унинг хозирги ҳолатидақла-нишига асосий эътиборни қаратиш лозимми? Ўса-лалар ечими етти эмас, етмиш ўлчаб хал этила Ҳам диний, ҳам илмий омиллар эътиборга олинади.Жри-бали хориқлик мутахассисларнинг фикр-мулоҳазари ни ҳам инобатга олган ҳолда бамасаҳлат иш тлади ва яқуний ҳулосага келинади.

Таъкидлаш жоизки, бунгача ҳам ислом маданиятининг бу бебаҳо ганжинисини кенг тарғиб этишқара-тилган бир қатор ишлар бажарилган. Жумладаҳаҳон миқёсида бўлган қизиқши эътиборга олиниб, 20 йили ундан нусха олинган.

— «Усмон Мухсаф»нинг қўлёзма нусхасинийёр-лаш биз, ўзбек хаттотларига насиб қилганидаёҳад мамнунизм,— дейди тажрибали хаттот Ҳабибуллоҳлих. — Усмон Курьони нусхасини асл ҳажми қандаўлса шу ҳажмида тайёрлади.

Бунда маҳаллий кўнчиларнинг томонидан пу ош-ланиб, маромига етказиб тайёрланган териданида-ланилиди. Узоқ ишлов жараёнларидан сўнг қоғқури-нишига келган тери зарур ўлчамадаги арақ қлига солиниб, унга Мухсаф арақларидидаги матн кўчилади. Бу жараёнда бир муаммога дуч келдик. Теринг бир томони, яъни тўкли томонига ёзиш осон кенгаўлса, ички томонига текис бўлса-да, ёзиш анча маъцатли бўлди. Сабаби — унга қалам тегиши билан сиёбрга сингиб кетаверди. Хар бир харфини ўрнига триш учун қайта-қайта ёзишга тўғри келди. Бунинг ижа-сида ўзимиз учун бир янғиликни кашф этдик. Имда мактублар, аҳдномалар, муқаддас китоблар, усан, Таврот ва Инжилнинг матнлари тери арақат бир томонига ёзилганининг сабаби маълум бўлди.

«Усмон Мухсаф»гача бўлган даврда териниқақат бир томонига ёзилган. Мухсаф эса илк китоб шида-ги ёзма асар саналади. Истилоҳий таърифга чоан, арақнинг икки юзасига ҳам матн ёзилиб, уларқова-га жамланган биринчи нусхага «Мухсаф ал-Имоъьни, барча Курьон матнлари учун андоза нусха / ном берилган. Бугунги кунда ҳам дунёнинг қай бисойи-да Курьон нашр этилса, унда албатта матн смон Мухсаф»га мувофиқ эканлиги алоҳида қайд этди.

Қўлёзма нусхани тайёрлаш жараёнида хаттари-миздан Ислмо Маматов, Гоғуржон Ҳақбердиев,уҳам-мад Солиев бутун маҳоратини намоиш этидиунна-тулла Пулатов арақларни зарҳал безаклар би. зий-натланган махсус чарл бино муқовалади.

Яқинда Лондонда муқаддас қўлёзмаларнингқаро кўргазмаси бўлиб ўтди. Унда яҳудилиқ, насроник ва ислом дунёсига оид энг машуур ҳақида бебаҳо ёзма-лар намоиш этилди. Уларнинг энг нодир намлари орасидан «Усмон Мухсаф»нинг биз, ўзбек хатлари тайёрлаган қўлёзма нусхаси ҳам жой олди. Халю жа-моатчилик «Усмон Мухсаф»нинг намоишиникатта қизиқиш билан кутиб олди.

Британия кутубхонасининг қўлёзмалар бўлимирек-тори С.Маккендриқ «Усмон Мухсаф» ислом наия-тининг бебаҳо ганжинисини эканини алоҳида таъкиди. — Бу ганжини ўз залларида намоиш этии ду-нённинг кўллаб илмий ва маданий муассасами ўзи учун шараф, деб билади, — деди британиялолим. — Президент Ислмо Каримов ташаббуси билан / шун-дай имконият айнан Британия кутубхонасига (илга-нидан беҳад мамнунизм.

Мазкур асар кўргазмага келган мутахассис, мух-лисларнинг эътиборини ўзига жалб қилди/смон Мухсаф»ни томоша қилиб хайратини яшира маган кўллаб мутахассислар узоқ вақт унинг олдидаетол-мади. Бу китоб хозир Тошкент ислом унвуетети-нинг манбалар ҳазинасида сақланмоқда.


«Усмон Мухсаф»нинг асл нусхасининг талабража-сида сақлашни юзасидан тегишли чоралар қилган. Таъкидлаб ўтилганидек, ушбу китоб Ўзбекин мусулмонлари идорасининг кутубхонасида — Юоши-миз ташаббуси билан обод этилган Хазрати Им маж-муасидига Мўйи муборак мадрасасида махсус савад-сандиқа сақланмоқда. Ундаги ҳаво наллиги боси-ми, ёруғлик меъёри китобнинг безиёи сақлашни таъминлайди. Кутубхона «Усмон Мухсаф»ни зиёт қил-гани келган юртдошларимиз, хориқлик сайёҳлибилан доимо гаўжум.

Давлатимиз раҳбари Ислмо Каримов раҳнамаида Курьони мажидининг «Усмон Мухсаф»ни тарпаш бораида бошланган хайрли ишлар самаралқулна-нишига шубҳа йўқ.


Олим Тўрғолов, Ўза бири

Бу байрам — барчамизники, бутун халқимизники

ҲАР БАЙРАМНИНГ ЎЗИГА ХОС ХИСЛАТИ ВА ФАЗИЛИТИ БОР, ЛЕКИН УЛАРНИНГ ҲЕЧ БИРИНИ ИНКОР ЭТМАГАН ҲОЛДА АЙТИШ МУМКИНИ, БУ ТАННАЛАР ОРАСИДА ЎЗБЕКИСТОНИМИЗНИНГ МУСТАҚИЛЛИК КУНИ БАЙРАМИ АЛОҲИДА ЎРИН ТУТАДИ. САБАБИ, ЮРТБОШИМИЗ ТАЪБИРИ БИЛАН АЙТГАНДА: «БУ БАЙРАМ—БАРЧАМИЗНИКИ, БУТУН ХАЛҚИМИЗНИКИ». БИЗДА 50 ЙИЛДА ЭЛ ЎЗГАРАДИ, 40 ЙИЛДА БИР ЙИГИТ КАМОЛГА ЕТАДИ, ДЕГАН ҲИҚМАТ БОР. ЎЙЛАБ ТУРСАК ТЕЗКОР ЗАМОН ОҚИМИ, ИНСОН ИРОДАСИ БУ ҲАҚИҚАТГА ҲАМ ЖИДДИЙ ЎЗГАРИШЛАР КИРИТИШИ МУМКИН ЭКАН. ИСТИҚЛОЛИМИЗДАН Кейинги ўТган йиллар бу фикрнинг тўғрилигини ОЧИҚ-ОЙДИН ИСОТЛАБ БЕРДИ.



ЯНАДА ОБОД БЎЛ, АЗИМ ТОШКЕНТИМ!



хонаси қаршисидан бир зум тўхтаб қолишди. Унинг қурилиши билан қизиқишди. Яна «экскурсоводлик» қилишга тўғри келди. Сўнг шу ердан йўловчи транспортга ўтириб Амур Темур кўчаси бўйлаб кетдик. Йўл-йўлакай Олой бозори, Ўзбекистон Миллий банки, Амур Темур кўчаси устидан ўтган кичик Ҳалқа йўли кўприги, «Тошкентленд» боғи, «Интерконтинентал» меҳмонхонаси, «Юнусобод» теннис корти, «Шаҳидлар хотираси» ёдгорлик мажмуиси, Шаҳристон бетактида қад кўтарган янги турар жой бинолари, метронинг Юнусобод йўналиши ва ниҳоят Юнусобод бозори, Аҳмад Дониш кўчаси устидан ўтган кўприқ қурилиши ҳақида сўраб боришдик. Бу мажмуаларнинг ҳаммаси Мустақиллик йилларида қурилиб фойдаланишга топширилганини айтдик. 16 йиллик қисқа мuddат ичида шу қадр кенг миқёслик ишлар қилинганлигига уларнинг ақли бовар қилмасди. Уйланиб қолдик. Меҳмонларни лол қолдирган бу ўзгаришлар, бир қўчадагина рўй берган янгиликлар. Агар уларга шу дамда бутун шаҳар миқёсида ёки мамлакатимизда бажарилган бунёдкорлик ишлари ҳақида ҳикоя қилсак, хайратдан ёқа ушлашлари турган гап.

Яқин-яқинларгача лицей, коллеж деган сўзларни эшитганимизда ҳатто биз катталар ҳам бир-биримизга савол назари билан қарардик. Орадан ўтган қисқа мuddат ичида бу сўзлар шунчалик ҳаётимизга сингдиб кетдики, бугун кичкина бола ҳам мактаб билан лицей ўртасидаги фарқни англаб етганидан бўлди. Аслида бу ҳам Мустақил-лигимизнинг шарофати. Хар томонлама оқ-салиб, дадил қадам билан бораётган жона-жон республикамиз аҳлининг маданий-маънавий тафаккури ўсиб бораётганидан дало-лат.

вор ака-укаларим, опа-сингилларим, бирга туғилиб ўсган мактабдош, тенгқур дўстларим. Улар билан тез-тез учрашиб тураимиз. Бир пиёла чой устида дилкашлик қиламиз. Тенгдошларимнинг кўнчилиги олий маълумотли, турли соҳаларда ишлашади. Улар орасида эл-юртга танилганлари ҳам анча-гина.

Бугун менинг маҳаллам қатори юртимизда, шаҳримизда ҳавас қилса арзиғулик маҳалларим жуда кўп. Улар йил сайин чирои очиб бораётганлигини кўриб дил қувнайди. Хизмат юзасидан шундай маҳалларларда ҳам кўп бўламан. Улардаги озодагарчилик, янгиликни, ўзгаришларни кўриб, дарҳол ўзимнинг маҳаллам билан таққослайман. Агар ободу, гўзалликка биздан ўтиб кетган бўлса, уларга ҳавас билан тикиламан. Маҳалламизнинг рақобатда улар билан тенг-лаштишни орзу қиламан.

Жонажон шаҳар Тошкентимизнинг обрў-эътибори ҳақида сўз борар экан, шу ўринда унинг нуфузини янада оширишга хизмат қилган икки нарсаси ҳақида тўхталмай илоҳимиз йўқ. Улардан бири таълим, фан ва маданият масалалари бўйича халққаро Ислмо ташкило-ти «ISESCO» томонидан Тошкентнинг 2007 йилда «Ислмо маданиятининг пойтахти» деб эълон қилинганлиги бўлса, иккинчиси шу йилнинг июнь ойида «Универсиада — 2007» спорт ўйинларининг пойтахтиликка ўтганидир. Сирасини айтганда, сеvimли шаҳримизнинг «Ислмо маданияти пойтахти» деб эълон қили-ниши юртимизда катта қувонч билан кутиб олинди. Тошкент шаҳрининг бундай номга сазовор бўлиши оламшумул воқеа бўлиб, ис-лом оламидиги нуфузли ташкилотнинг бу қарорга келиши бежиз эмас ва унинг ўзига хос сабаблари бор. Чунки Ўзбекистонга жа-ҳон ҳамжамиятининг, ислом дунёсининг қ

Инсон ва қонун

Жамият

ДАВЛАТ БОШҚАРУВИНИНГ ЎЗИГА ХОС ХУСУСИЯТЛАРИ

ДАВЛАТ БОШҚАРУВИ СОҲАСИДА ОЛИБ БОРИЛАДИГАН ИСЛОҲОТЛАР, БОШҚАРУВ МАҚСАДИ ВА ВАЗИФАЛАРИНИНГ ЎЗГАРИШИ, БИРИНЧИ НАВБАТДА УНИНГ ФУНКЦИЯЛАРИГА, ШАКЛЛАРИ ВА УСУЛЛАРИГА ЎЗ ТАЪСИРИНИ КЎРСАТАДИ.

Давлат ва жамият ҳаётида юз бераётган туб ўзгаришлар давлат бошқаруви функцияларининг мазмуни ва турларида янги элементлар юзага келаётганини кўрсатди. Бозор муносабатларига ўтгани сари бошқарувнинг янги функциялари, масалан, монополияга қарши, ишсизликка қарши курашиш, давлат тасарруфидан чиқариш билан боғлиқ бўлган функциялар юзага келди. Давлат бошқаруви функциялари ичида ис-

тиқболни белгилаш, мувофиқлаштириш, тартибга солиш ва назорат қилиш функциялари биринчи ўринга чиқди. Бошқарув функциялари ичида режалаштириш функциясининг олдинги таъсир доираси ва аҳамияти пасайди, яъни режалаштиришнинг марказлашган бошқарувининг асоси сифатидаги роли камайди.

Давлат томонидан тартибга солиш тижорат ва нотижорат ташкилотларнинг фаолият юритишига, тadbиркорликни амалга оширишга иқтисодий, ҳуқуқий ва ташкилий шарт-шароитларни яратиб беришга қаратилган. Давлат томонидан тартибга солиш бошқаруви объектларининг ички ишларига, молиявий-ҳўжалик фаолиятига бевосита ара-лашишни назарда тутмайди, агар бу қонун-да тўғридан-тўғри кўрсатилмаган бўлса.

Давлат назорати қонунийлиги ва инти-

зомни таъминлаш билан бевосита боғлиқ бўлган функциядир. Давлат назорати субъектлар фаолиятида ўрнатилган тартибга риоя қилинишига қўмақлашувчи асосий воситалардан биридир.

Давлат назорати тизимида маъмурий назорат алоҳида ўринга эга бўлиб, давлат органлари, мансабдор шахслар, давлат ва нодавлат корхона, муассаса ва ташкилотлари, шунингдек, фуқаролар томонидан умум-мажбурий қоидаларга қатъий риоя этишлари устидан олиб бориладиган назоратдир.

Маъмурий назорат давлат бошқарув фаолиятининг алоҳида тури бўлиб, ваколатли давлат органлари томонидан умуммажбурий меъёrlар, қоидалар, талабларга риоя этилиши устидан олиб борилади. Маъмурий назорат давлат бошқаруви жараёнида содир этиладиган ҳуқуқбузарликларнинг (ноҳўя хати-ҳаракатларнинг) олдини олиш, аниқлаш, чеклаш, бузилган ҳуқуқни қайта тиклаш ва айбдор шахсларни маъмурий жавобгарликка тортиш мақсадида амалга оширилади.

Амалдаги қонунчиликка биноан Ўзбекистон Республикасида маъмурий назоратни амалга оширувчи органларга—ички ишлар, солиқ, боғжона, давлат санитария, ветеринария, табиати муҳофазаси қилиш, ёнғин хавфсизлиги ва бошқа бир нечта органларни киритишимиз мумкин.

Охириги вақтларда иқтисодиёт соҳасида тўғридан-тўғри давлат бошқаруви тизимидан воз кечиби, уни тўғридан-тўғри бошқарув элементларини ўзида мужассамлаштирган давлат томонидан тартибга солиш функцияси билан алмаштирилиши лозимлиги кўрсатилмоқда.

Давлат томонидан тартибга солиш тушунчасини икки маънода: кенг ва тор маънода олиб кўришимиз мумкин. Кенг маънода, давлат томонидан тартибга солиш деган-

да—давлат томонидан ижтимоий муносабатлар иштирокчиларининг ҳуқуқ-атворлари (юриш-туриш)нинг умумий қоидаларини ўрнатиш тушунилади. Унинг субъектлари бўлиб вакиллик ва ижро ҳокимияти органлари ҳисобланади. Маълум бир маънода суд ҳокимияти ҳам тартибга солинган муносабатлар иштирокчиларига ўз таъсирини кўрсатади. Давлат томонидан тартибга солишнинг ҳуқуқий шакллари бўлиб қонунлар ва қонуности актлари, шунингдек суд қарорлари ҳисобланади. Масалан, ижтимоий муносабатларни тартибга солувчи асосий восита бу — албатта, қонунлардир.

Тор маънода, давлат томонидан тартибга солиш—давлат бошқарувининг функцияларидан бири ҳисобланади. Ҳозирги босқичда давлат томонидан тартибга солиш нафақат иқтисодиёт соҳаларида, балки ижтимоий-маданий соҳаларда ҳам бошқарувининг асосий ва биринчи галдаги функцияларидан биридир.

Давлат назорати давлат бошқарувининг асосий функцияларидан бири бўлиб, ҳозирги бозор муносабатларига ўтиш жараёнида давлат томонидан таъсир қўраётганининг самарали воситаларидан ҳисобланади.

Алоҳида таъкидлаш лозимки, давлат назорати ва давлат томонидан тартибга солиш бир вақтнинг ўзида намоён бўлувчи бошқарув функцияларидир. Бу функциялар бир-бирини тўлдириб борувчи ва ўзига хос хусусиятларга эга бўлган, маълум бир бошқарув шакли ва усуллари орқали амалга ошириладиган функциялардир.

Бозор муносабатлари шароитида бошқарувининг истиқболни белгилаш ва мувофиқлаштириш функциялари ҳам катта аҳамиятга эга бўлмоқда.

А.А.ГАЗИЕВ,
Тошкент Давлат юридик институти магистри

«Камолот» ШИЖОАТКОР ЁШЛАР — КЕЛАЖАГИМИЗ

БУГУНГИ КУН ЁШЛАРИГА ҚАРАБ ҲАВАСИНГ КЕЛАДИ. МАМЛАКАТИМИЗДА ОЛОВҚАЛБ,ШИЖОАТЛИ, ҒАЙРАТЛИ ВА БИЛИМЛИ ЁШЛАР САФИ ЙИЛДАН ЙИЛГА ОШИБИ БОРАЁТИР. ЗЕРО, ЁШЛАР—КЕЛАЖАГИМИЗ, ЭРТАМИЗ ДАВОМЧИЛАРИ, МУСТАҚИЛ ЎЗБЕКИСТОНИМИЗНИНГ МУСТАҚАМ ПОЙДЕВОРИНИ ЯРАТУВЧИ, КОМИЛЛИК ВА КАМОЛАТ САРИ ИНТИЛАЁТГАН ЎГИЛ- ҚИЗЛАРИМИЗДИР. ЁШЛАРНИ ЎЗИДА БИРЛАШТИРИШ, УЛАРНИ ШАХДАМ ОДИМЛАР БИЛАН ЭЗГУЛИКНИ САРИ ЧОРЛАЁТГАН ШУНДАЙ БИР ТАШКИЛОТ БОР, У ҲАМ БЎЛСА ЎЗ НОМИГА МУНОСИБ «КАМОЛАТ» ЁШЛАР ИЖТИМОЙ ҲАРАКАТИДИР.

Жорий йилда «Камолот» ЁИҲ Юнусобод тумани бўлими Кенгаши томонидан «Ижтимоий химоя йили» Давлат дастурига мувофиқ бир қатор тадбирлар амалга оширилди. Жумладан, тумандаги барча маҳаллаларда жами 57 нафар ёлғиз кексалар, нафақахўрлар ва ногиронларнинг уйлари, квартираларини капитал таъмирлаш, уй-жой шароитларини яхшилаш, уларнинг ҳолидан хабар олиш, ёрдам кўрсатиш мақсадида «Камолот» ва «Камалак» сардорлари бириктирилди. Қарияларнинг 36 нафари хонадонларига ташриф буюриб, 274 минг сўмлик озик-овқат маҳсулотларидан иборат хайрия ёрдами кўрсатилди. Ёшларни ҳар томонлама соғлом ва комил инсон бўлиб вояга етишлари, оилада соғлом турмуш тарзини шакллантириш мақсадида маҳаллалардаги 16-18 ёшдаги қизлар ўртасида «Маҳалланинг намунали қизи» кўрик-танлови ўтказилди. Тумандаги Мирзо Улуғбек ва «Қашқар» маҳаллалари гузарларида янги оила қуриш истагида бўлган ёшлар учун соғлом турмуш тарзи, репродуктив саломатликни муҳофаза қилиш масалалари, анемия ва эндемик бўқоқ муаммоларининг олдини олиш мақсадида «Соғлом бўлинг» мавзусида Тошкент Педиатрия тиббиёт институти талабалари иштирокида маърузалар ташкил этилди. Тошкент Шарқшунослик институти қошидаги академик лицей ва 21-мактаб ўқувчилари ўртасида «Энг намунали оила» мавзусида тадбир бўлиб ўтди. Тадбирда ёшлар саҳна кўринишлари орқали оиладаги муаммоларни бартараф этиш йўллари кўрсатиб беришди. Шу билан бирга тумандаги 70-урта мактабда «Балли, қизлар» ва Маънавият тарғибот маркази туман бўлими ва ФХДЁ бўлими билан ҳамкорликда «Оила, никоҳ ва қонун» мавзусида илмий-амалий анжуман ўтказилди.

«Келажақ овози» республика танлови ва ёшлар ташаббуслари маркази фаолияти доирасида туманда турли ижод йўналишлари бўйича иқтидорли ёшларни аниқлаш ва уларни қўллаб-қувватлаш мақсадида олий ўқув орталари, касб-хунар коллежлари ва лицейларда тушунтириш, тарғибот ишлари олиб борилди. Байрамлар арафасида тумандаги «Минор», «Қашқар», ва Мирзо Улуғбек, «Бодомзор», «Акбаробод», «Туркистон», «Иттифоқ» маҳаллаларида туман етакчи ва сардорлари билан биргаликда ободонлаштириш ишлари амалга оширилди. Энг асосийси, айнаи ўқувчиларнинг ёзги таътил кунларида оромгоҳларда «Камолот» сардорлари «Эзни «Камолот» билан» лойиҳаси доирасида қўллаб-таъмирлари ташкил этишмоқда. Албатта, ёшлар ўртасида маънавий-ахлоқий мухитни яхшилаш, ҳуқуқ-тартиботни кучайтириш, ёшларда Ватанга муҳаббат, ота-оналарга, катталарга нисбатан ҳурматни кучайтириш «Камолот»-чиларнинг асосий мақсади дидир.

Нозима АКРОМОВА

Алоқа

ИСТИҚБОЛНИ ПОЙИҲА

«ЎЗБЕКТЕЛЕКОМ» АКЦИЯДОРЛИК КОМПАНИЯСИ ЎЗ ТАРМОҒИ БИЛАН БУТУН РЕСПУБЛИКАМИЗ ҲУДУДИНИ ТЎЛА ҚАМРАБ ОЛГАН ЙИРКИ ТЕЛЕКОММУНИКАЦИЯ ОПЕРАТОРИ ҲИСОБЛАНДИ. ЭНДИЛИКДА КОМПАНИЯ АҲОЛИГА ТОВУШЛИ АЛОҚА ХИЗМАТИНИ ҲАМ КЕНГ ЙЎЛГА ҚЎЙМОҚДА.

Телекоммуникация тармоқларини янада ривожлантириш ва модернизация қилиш борасидаги тараққийлаш ишлари амалга оширилмоқда. Хитойнинг тарққийот банки ва «Алоқабанк» томонидан лизинг асосида телекоммуникация тармоқларини ривожлантириш ва модернизация қилиш лойиҳаси асосида қатор бунёдкорлик ишлари бажарилди.

Мазкур лойиҳа бўйича Тошкент шаҳар телекоммуникация тармоғини модернизация қилиш тадбирлари ҳам кўрилди.

ЭЛЕКТРОМАҒНИТ МОСЛАШУВ МАРКАЗИ

ЎЗБЕКИСТОН АЛОҚА ВА АҲБОРОТЛАШТИРИШ АГЕНТЛИГИНИНГ ЭЛЕКТРОМАҒНИТ МОСЛАШУВ МАРКАЗИДА СИФАТ МЕНЕЖМЕНТИ ТИЗИМИНИ ЖОРИЙ ЭТИШГА КИРИШИЛДИ.


«Сифат менежменти тизимининг ички аудитори» ўқув курси орқали мутахассисларнинг амалий кўникмалари оширилмоқда. Айнаи вақтда бу тизимда сертификатлаштирилган аудит ўтказилди. Бу тадбир якунида сертификатлар марказга топширилди.

ЗАМОНАВИЙ ЖИҲОЗЛАР

ЯНГИ ЎҚУВ ЙИЛИДА ТОШКЕНТ АҲБОРОТ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ УНИВЕРСИТЕТИДА ҚАТОР ЯНГИ ЎҚУВ КУРСЛАРИ ОЧИЛАДИ. «АЛОҚАНИГ МОБИЛЬ ТИЗИМИ» ЙЎНАЛИШИ БЎЙИЧА УЮШТИРИЛАДИГАН АМАЛИЙ МАСҲУЛОТЛАР СОТЛАРИ КЎПЛАДИ.

Рақамли андоза радиостанцияга оид янги қурилмалар олинди. Лаборатория шароитида олиб бериладиган бундай машғулотлар радиоалоқа соҳаси бўйича тайёрланаётган ёш мутахассислар билми ва амалиётини янада яхшилашга хизмат қилади.

Акбар АЛИЕВ




Анжуманлар

САВОЛ-ЖАВОБЛАРГА БОЙ МУЛОҚОТ

МАЪЛУМКИ, ЎЗБЕКИСТОНДА ЎЛИМ ЖАЗОСИНИНГ ЖИНОЙИ ЖАЗО ТИЗИМИДАН ЧИҚАРИБ ТАШЛАНИШИ ВА ҚАМОҚҚА ОЛИШГА САНКЦИЯ БЕРИШ ҲУҚУҚИНИНГ СУДЛАРГА ЎТКАЗИЛИШИ СУД-ҲУҚУҚ ТИЗИМИДАГИ ИСЛОҲОТЛАРИНИНГ МУҲИМ БОСҚИЧИГА АЙЛАНДИ.

Айнаи дамда суд-ҳуқуқ тизимида олиб борилаётган ислохотлар самараси ўлароқ қабул қилинаётган қонунларнинг мазмун-моҳиятини аҳоли орасида кенг миқёсда тарғиб қилиш, жойларда ташвиқот ва тушунтириш ишларини олиб бориш, ижрочиларга етказиш юзасидан амалий чора-тадбирлар кўрил-



моқда.

Жумладан, куни кеча Тошкент шаҳар Адлия бошқармаси томонидан ушбу мавзуга бағишланган минтақавий-семинар кенгаши бўлиб ўтди. Мазкур йиғилишда Тошкент шаҳар адлия бошқармаси, прокуратура, шаҳар, вилоят нотижорат ташкилотлар раҳбарлари ҳамда шаҳар, туман «Маҳалла» жамғармаларидан вакиллар иштирок этишди.

Айтиб ўтиш жоизки, бундай семинарлар шахримиздаги барча туманларда мунтазам ўтказилмоқда. Улим жазосини берор қилиш ҳамда қамоққа олишга санкция бериш ҳуқуқининг судларга ўтказилиши бўйича қабул қилинган қонунларнинг мазмун-моҳиятини аҳолига етказиш учун тузилган ишчи гуруҳлари томонидан жойларда айнаи кунларда ҳам тарғибот ва ташвиқот ишлари олиб борилиб, аҳоли ўртасида прокуратура, суд, ички ишлар тизимлари ходимлари билан жонли мулоқот, савол-жавобларга бой тарздаги учрашувлар ўтказилмоқда.

Гулсум ШОДИЕВА

СУРАТЛАРДА: Тошкент шаҳар Адлия бошқармасида бўлиб ўтган анжумандан лавҳалар.



ИНСОН ҲУҚУҚЛАРИ ҲИМОЯСИНИНГ ТЎЛА МАЪНОДА КАФОЛАТЛАНИШИ УЧУН АВВАЛО ЮРТОБИМИЗ ТАЪКИДЛАБ ЎТГАНЛАРИДЕК, «ҚОНУНИЙЛИК ВА ҲУҚУҚ-ТАРТИБОТ ТАНТАНА ҚИЛМАСА, ШАХСНИНГ ҲУҚУҚЛАРИ ВА ЭРКИНЛИКЛАРИ, ҚАТТИҚ ИНТИЗОМ, ИЧКИ УЮШҚОҚЛИК ВА МАСЪУЛИЯТ УСТУВ БЎЛМАСА, ҚОНУНЛАР ВА АНЪОНАЛАР ҲУРМАТ ҚИЛИНМАСА ҲУҚУҚИЙ ДАВЛАТНИ ТАСАВВУР ЭТИБ БЎЛМАЙДИ».

Мамлакатимиз мустақилликка эришгач, фуқароларнинг муносиб ҳаёт кечиришларини таъминлаш, инсонпарвар демократик ҳуқуқий давлат барпо этиш, аҳолининг тинчлиги ва тотувлигини яратиш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинди.

Унда энг аввало, инсон кадр-қиммати, манфаати, шаъни ва бошқа дахлсиз ҳуқуқлари ҳар қандай масалалардан устувор эканлиги белгиланган берилган ва қонунлар билан ҳимояланган. Бинобарин, Асосий Қонуни-мизда ҳар бир фуқаро ҳуқуқ ва эркинликларга эга бўлиб, жинси, irqи, миллати, тили, дини, ижтимоий келиб чиқиши, эътиқоди, шахсий ва ижтимоий маъқедадан қатъий назар қонун олдида тенгдирлар, дейилган.

Конституциянинг 7-бобидан англашимиз мумкинки, бизнинг қураётган ҳуқуқий демократик жамиятимизда инсонпарварлик тамойиллари ниҳоятда кадрланади. Буни эса ҳар бир қабул қилинаётган қонун ва қарорларда кўришимиз мумкин. Ушбу Қонунлар янада муқамалроқ, халқ-

Тошкент Давлат юридик институти «Жиноят ҳуқуқи ва криминалогия» кафедрасининг доценти Мамажон Усмоналиев томонидан ёзилб, нашрдан чиқарилган «Жиноят ҳуқуқи (Умумий қисм)» бўйича дарсликни, айнан давлат таълим стандартлари талабларига жавоб берадиган дарслик деб ҳисобласа бўлади.

Мазкур китобдан Тошкент Давлат юридик институти талабаларидан ташқари, Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университети, Алишер Навоий номи Самарқанд Давлат университети, Бердақ номи Нукус Давлат университетларининг юридик факультетларининг ва бошқа ўқув муассасаларининг талабалари самарали фойдаланмоқдалар.

Шуни алоҳида таъкидлаш керакки, мазкур дарслик 2005 йил «Янги аср авлоди» нашриётида чоп қилинган бўлиб, ўтган вақт мобайнида синовдан муваффақиятли ўтди ва давр талабига жавоб бера оладиган дарслик эканлиги исботланди.

Жиноят ҳуқуқи Умумий қисми бўйича 1998 йили ҳам дарслик чиқарилган эди. Лекин у дарслик 1994 йил 22 сентябрда қабул қилинган Жиноят кодекси асосида ёзилган бўлиб, суд-ҳуқуқ тизимини либераллаштириш амалга оширилаётганлиги муносабати билан амалдаги Жиноят кодексига қўллаб қўшимчалар ва ўзгартиришлар киритилди ва бир қанча моддалар янги тахрирда қабул қилинди, бир нечта янги моддалар киритилди. Натжидада 1998 йил нашрдан чиқарилган Жиноят ҳуқуқи Умумий қисми дарслиги ҳозирги давр талабларига жавоб бермай қўйди.

Агар 1998 йили нашр қилинган дарслик жуда қисқа ёзилган, айрим мавзулар етарли даражада очиб берилмаган бўлса, М.Усмоналиев муаллифлигида чиқарилган дарсликдаги ҳар бир мавзунинг мазмуни кенг доирада ва батафсил очиб берилган.

Қонунларимизни ўрганамиз

ИНСОНПАРВАРЛИК ТАМОЙИЛЛАРИ ҚАДРЛАНДИ

чил, адолатли ва демократик, шунингдек, жаҳон андозаларига мос, халқаро ҳуқуқнинг умумэтироф этган норма ва принципларига мос эканлиги бунинг яққол далилидир.

Жумладан, Ўзбекистон Республикасида ўлим жазосини жиноий жазо тизимидан чиқариб ташлашни ҳамда қамоққа олишга санкция бериш ҳуқуқининг судларга ўтказилиши инсонпарварлик йўлидаги ҳаракатларнинг намунаси дидир.

Дарҳақиқат, «Яшаш ҳуқуқи ҳар бир инсоннинг узвий ҳуқуқидир. Инсон ҳаётига суиқасд қилиш энг оғир жиноятдир», — дейилади Конституция-мизнинг 24-моддасида. Мазкур ҳуқуқ инсоннинг энг асосий ҳуқуқи, унинг ҳаёт кечириши кафолатидир. Қабул қилинаётган қонунларимиз ана шундай инсонпарварлик ғояларига йўғрилган Конституцияда белгиланган нормаларга таянади. Бундай инсонпарварлик тамойилларини ўзида тўла акс эттирган Қонунларимиз барча соҳаларда қабул қилиниб, ҳаётга татбиқ этилганлиги билан ҳам аҳамият-лидир.

Ҳар қандай янги вужудга келган жамият ўзида тараққийот ва хавфсизликни таъминлаш учун энг аввало мамлакатдаги фуқароларнинг ижтимоий ҳимояси тўғрисида сиёсат олиб боради. Агарда мазкур масала мамлакат тараққийотининг устувор йўналиши тарзида қабул қилинмаса ҳамда унда етарли объектив шарт-шароит имконияти бўлмаса, мамлакатда ай-ниқс, ўтиш даврида турли хил муам-

молар келиб чиқиши табиийдир. Шу нуқтаи назардан ҳам айтиш мумкин-ки, Ўзбекистон мустақилликка эришгач, аввало жамият аъзоларининг ижтимоий ҳимояси устувор вазибалардан бири бўлди ҳамда бу ҳозирда ҳам янада такомиллашган ҳолда да-вом эттирилмоқда.

Шу боис бозор иқтисодиётига ўтишнинг беш тамойилларидан бири, аҳолини кучли ижтимоий муҳофаза қилишга қаратилганлиги беҳиз эмас. Шунинг учун илк босқичда аҳолининг кам таъминланган табақларини ижтимоий ҳимоялаш ва қўллаб-қувватлаш борасида кучли чора-тадбирлар ўтказилганлиги фаол ижтимоий сиёсатни амалга оширишнинг учинчи жуда муҳим йўналиши бўлди.

Бу йўналишда ушбу йилнинг «Ижтимоий химоя йили» деб номланиши ва Давлат дастурининг қабул қилиниши бу йўлдаги саъй-ҳаракатларимизга яна бир бор мустаҳкам пойде-вор ясади.

Бу борада қабул қилинаётган қонун ва қарорлар эса амалиётда ўз ифодасини топмоқда.

Дарҳақиқат, инсон ҳаёт гултожи-дир. У оламдаги мавжуд барча жон-зотлар ичра онглиси ва муқаммали саналади. Шундай экан, табиат ва жамиятдаги ҳар қандай неъматлар, эзгу амаллар дунёнинг беназир ҳил-қати бўлган инсон учун хизмат қил-син.

Анвар ҚЎЗИЕВ,

Тошкент шаҳар Адлия бошқар-маси ходими

ЯНГИ ДАРСЛИК

ЎЗБЕКИСТОН ЎЗ ТАРАҚҚИЁТИНИНГ ЯНГИ БОСҚИЧИГА КЎТАРИЛГАНЛИГИ МУНОСАБАТИ БИЛАН, СУД-ҲУҚУҚ ТИЗИМИНИ ЛИБЕРАЛЛАШТИРИШ ЖАРАЁНИНИ АМАЛГА ОШИРАЁТГАН ҲОЗИРГИ ДАВРДА, ЎҚУВ МУАССАСАЛАРИ ФАОЛИЯТИНИ ДАВР ТАЛАБИ ДАРАЖАСИДА ТАШКИЛ ЭТИШ ТАЛАБ ЭТИЛАДИ. ЎҚУВ МУАССАСАЛАРИДА ТАЛАБАЛАРНИ ДАВЛАТ ТАЪЛИМ СТАНДАРТЛАРИГА МУВОФИҚ РАВИШДА ЎҚИТИШНИ ТАШКИЛ ҚИЛИШ УЧУН БУНГА ЖАВОБ БERAДИГАН ДАРСЛИКЛАР, ЎҚУВ ҚЎЛЛАНМАЛАРИНИ ТАЙЁРЛАШ ВА ЎҚИТИШ ИШЛАРИНИ АНА ШУЛАР АСОСИДА ТАШКИЛ ЭТИШ ҲОЗИРГИ ДАВРНИНГ ДОЛЗАРЕ ВАЗИФАЛАРИДАН БИРИ ҲИСОБЛАНДИ.

(афзаллиги), унинг аннотацияси ва мундарижасининг ўзбек, инглиз ва рус тилларида берилганлиги ҳамда ҳар бир бобнинг охирида ушбу боб юзасидан машқ саволларининг ва айнан шу бобнинг ўзига тегишли бўлган адабиётларнинг берилганлиги билан ҳам ифодланади. Машқ саволларининг берилганлиги жиноят ҳуқуқидан амалий машғулотлар ўтишда ҳам асқотиши мумкин.

Хулоса қилиб айтиш мумкинки, М.Усмоналиев томонидан ёзилган мазкур дарслик ҳозирги кун талабига тўла жавоб беради. Ундан фақатгина талабаларнинг ўзларига эмас, балки магистратура тизимида таълим олаётганлар, аспирантлар, жиноят ҳуқуқидан дарс берадиган ўқитувчилар, амалиёт хо-димлари ҳам самарали фойдаланишлари мумкин.

Баҳром АҲРОРОВ,
Тошкент Давлат юридик институти «Жиноят ҳуқуқи ва криминалогия» кафедрасининг мудири, доцент.

ОЗ-ОЗ ЎНГАНИД
Домо бўлар...

МАШРИҚЗАМИН —
ҲИКМАТ БЎСТОНИ

Аҳмад Югнакий
ҲИКМАТЛАР

Эй дўстим, билимли киши излагил,
Агар сўзласанг сўз, билиб сўзлагил.

Сахийни улуглар барчанинг тили,
Бор айбини ёпар сахийнинг феъли.

Бахил иши ҳаром мол-дунё йиғиш,
Ўлди-кетди олиб лаънату сўкиш.

Дунёда энг яхши сахий деган ном,
Бахил оти эса ёмондир мудом.

Бахиллик даволаб бўлмас дарддир ул,
Саховат йўли берк бахилга буткул.

Халқнинг энг яхшиси сахий эр эрур,
Сахийлик шон, обрў, қадр орттирур.

Бахил, тубан киши бойлик посбони,
Йиғар, емас-ичмас, тутар берк уни.

Яна бир кераклик сўзим бор сенга,
Айтигин мен уни — қулоқ тут менга.

Такаббур ҳамиша нафратга лойиқ,
Мулойимлик эса энг яхши қилиқ.

Агар кибр эгаси асилман деса,
Мен жавобин берай сўзини кеса:

Яна пандимни ол — қил унга амал,
Иккиланма — пойлаб турибди ажал.

Айтурсан: кийим, тўн, шароб, ош керак,
Беҳисоб молу кўп қорабош керак.

Ҳарис тўймас дунё молини териб,
Ҳарислик қаримас эгаси қариб.

Карам биносидан ҳилм бўлар ҳосил,
Карам кенг денгиз ё гулзор ичра гул.

Ўзингдан каттани ҳурмат қил, ҳурмат,
Ташла, қанча бўлса, ёмон феъл, одат.

Эргаш ОЧИЛОВ тайёрлаган



2007— Ижтимоий ҳимоя йили

ЯНГИ БОЛАЛАР ОРОМГОҲИ ФАОЛИЯТ БОШЛАДИ

ПРЕЗИДЕНТИМИЗ ТОМОНИДАН 2007 ЙИЛНИНГ ИЖТИМОЙ ҲИМОЯ ЙИЛИ ДЕБ ЭЪЛОН ҚИЛИНИШИ ҲАМДА
ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ 2002 ЙИЛ 5 ИЮЛДАГИ 242-СОНЛИ «ОИЛАДА ТИББИЙ МАДАНИЯТНИ ОШИРИШ,
АЁЛЛАРНИНГ СОғЛИГИНИ МУСТАҲКАМЛАШ, СОғЛОМ АВЛОД ТУҒИЛИШИ ВА УНИ ТАРБИЯЛАШНИНГ УСТУВОР
ЙЎНАЛИШЛАРИНИ АМАЛГА ОШИРИШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ ТЎҒРИСИДА»ГИ ҚАРОРИ, ШУНИНГДЕК, МАЗКУР
ЙЎНАЛИШ БЎЙИЧА ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИ ҲАМДА БОЛАЛАРНИ СОғЛОМЛАШТИРИШ ВА ДАМ ОЛДИРИШ
БЎЙИЧА РЕСПУБЛИКА ДОИМИЙ КОМИССИЯСИНИНГ КЕНГАЙТИРИЛГАН МАЖЛИСИ БАЁНИНИНГ ИЖРОСИНИ
АМАЛДА БАЖАРИШ, ИЖТИМОЙ ҲИМОЯГА МУҲТОЖ ОИЛА ФАРАЗАНДЛАРИНИ ҚўЛЛАБ-ҚУВВАТЛАШ
МАҚСАДИДА «СОғЛОМ АВЛОД УЧУН» ХАЛҚАРО ХАЙРИЯ ЖАМГАРМАСИ БИР ҚАНЧА ХАЙРИЯ ТАДБИРЛАРИНИ
ЎТКАЗИБ КЕЛМОҚДА.

Айниқса кам таъминланган оилалар фар-
зандларининг ёзги таътил кунларини ма-
роқли ўтказиш мақсадида жамғарма қатор
ташкilotлар билан ҳамкорликда соғлом-
лаштириш оромгоҳларини ташкил этмоқда.

— Республика Хотин-қизлар қўмитаси билан
ҳамкорликда Россия Федерациясининг
Ўзбекистондаги элчихонаси ҳомиёлигида
ижтимоий ҳимояга муҳтож бўлган оилалар-
нинг 560 нафар фарзандларини қўллаб-қув-
ватлаш, уларнинг киши ва ёзги таътил вақ-
тида дам олишини мазмуни, қизиқарли тар-
зда ташкил этиш мақсадида Тошкент вилоя-
ти, Чирчиқ шаҳридаги «Бўстон» дам олиш
масканида киши, Фаргона ва Самарқанд

вилоятларида ёзги болалар оромгоҳлари
фаолият олиб борди.—дейди биз билан суҳ-
батда Республика «Соғлом авлод учун» хал-
қаро хайрия жамғармаси раиси Дилбар
Алимжонова. — Шунингдек, Оролбўйи худу-
дидан ёзги дам олиш мавсумида келган
жами 3000 нафар болалар Тошкент шаҳри ва
пойтахт вилояти оромгоҳларига жой-
лаштирилиб, уларнинг соғлигини муҳофаза
қилиш мақсадида биргина жамғарманинг
марказий аппарати томонидан тўлақонли
тиббий кўриқдан ўтказилиб, қўшимча
350000 сўмлик жами 40 донна тиббиёт
тўпламлари топширилди. Бугунги кунга
қадар 20.000 дан зиёд болажонлар 300 га

яқин маданий-маърифий, спорт, хайрия тад-
бирларида иштирок этиб келмоқдалар. Бу
тадбирлар учун жамғарма томонидан 2 500
000 сўмлик маблағ ажратилди.

Болажонлар саломатлигини мустаҳкам-
лаш, уларнинг дам олишларини мазмуни
тарзда ташкил этиш учун ёзги таътил кун-
ларидан унумли фойдаланиш мақсадида
«Соғлом авлод учун» жамғармаси Ўзбеки-
стон Хотин-қизлар қўмитаси, Юнусобод тумани
ҳокимлиги билан ҳамкорликда Тош-
кент шаҳрида истиқомат қилувчи 100 на-
фар кам таъминланган оила фарзандлари
учун жамғарманинг тиббий-ижтимоий мар-
казида 24 кунлик болалар оромгоҳини таш-

кил этди. Қуни кеча мазкур оромгоҳни
очиловчи маросими бўлиб ўтди. Шунини алоҳи
да таъкидлаш кераки, болажонларни
кўнгилли дам олишлари учун оромгоҳда ту-
ли маънавий-маърифий, маданий ва спорт
тадбирлари, давра суҳбатлари ҳамда интел-
лектуал ўйинлар ўтказишга қаратилган
чора-тадбирлар ишлаб чиқилган.
Мустақиллигимизнинг 16 йиллигига бағиш
ланган «Ўзбекистон — Ватаним маним» ши-
ори остидаги маданий-муסיқий тадбирла
«Мустақиллик нёъматлари» шиори остида
ўтказилган расмлар кўриқ-танлови ва а
фальтга расм чизиш мусобақалари шун-
жумласидандир. Шунингдек, оромгоҳда би-
лаларга соғлом турмуш тарзи, гигиена
қоидалари ва саломатлик сирларини ўрг-
тиш мақсадида «Соғлом авлод—кеलाжак по-
девори» шиори остида турли учрашувлар
суҳбатлар, «Саломатлиқнинг ёш дўстлари
мавзусида спорт мусобақаларини ўткази
режалаштирилмоқда.

Дарҳақиқат, меҳр-мурувват ва саховат
йўғрилган бу каби хайрия тадбирлари мам-
латимизда кўплаб амалга оширилмоқда. Зер
Президентиимиз таъкидлаганларидек, «Сав-
ишни ҳар ким ҳар қуни қилиши керак».

Дилором ИКРОМОВ
СУРАТЛАРДА: янги оромгоҳнинг оч-
илиш маросимидан лавҳалар
Наталья Семёнова олган суратле

ПРЕЗИДЕНТИМИЗ РАҲНАМОЛИГИДА
МАМЛАКАТИМИЗДА ХОТИН-ҚИЗЛАРНИНГ
ДАВЛАТ ВА ЖАМИЯТ ҚУРИЛИШИДАГИ
ИШТИРОКИНИ ЯНАДА ФАОЛЛАШТИРИШ,
ИЖТИМОЙ ҲИМОЯ ҚИЛИШ КАБИ
ЙЎНАЛИШЛАРДА КЕНГ ҚўЛАМЛИ ИШЛАР
АМАЛГА ОШИРИЛМОҚДА. ҲОЗИРГИ КУНДА
ХОТИН-ҚИЗЛАРНИ ИЖТИМОЙ
ҚўЛЛАБ-ҚУВВАТЛАШ, ОИЛА, ОНАЛИК ВА
БОЛАЛИКНИ МУҲОФАЗА ҚИЛИШ,
АЁЛЛАРНИНГ КАСБИЙ, ЖИСМОНИЙ ВА
ИНТЕЛЛЕКТУАЛ САВИЯСИНИ
ЮКСАЛТИРИШДЕК ЭЗГУ ИШЛАРНИ ДАВЛАТ
АҲАМИЯТИГА МОЛИК ВАЗИФАЛАРДАН
ДЕСАК МУБОЛАҒА БЎЛМАЙДИ.

Анжуманлар

ТАРИХ ВА ҲОЗИРГИ
ЗАМОН

Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Тарих
институтининг Мустақиллигимизнинг 16 йиллигига ба-
ғишлаб ўтказилган «Хотин-қизларни ижтимоий ҳимоя
қилиш масалалари. Тарих ва ҳозирги замон» мавзуси-
даги илмий амалий анжуманда ҳам ана шулар ҳақида
сўз борди.

Анжумани Ўзбекистон Республикаси Фанлар ака-
демиясининг Тарих институти, Тошкент шаҳар Хотин
қизлар қўмитаси, Фуқаролик жамиятини ўрганиш ин-
ститутининг Тошкент шаҳар филиали ҳамкорликда
ўтказилди ва унда Халқ депутатлари Тошкент шаҳар
Кенгашининг депутатлари, Тарих институти олимла-
ри, Тошкент шаҳри ва туманлар хотин-қизлар қўмитаси
аъзолари, маҳалла фаоллари, сиёсий партиялар-
нинг шаҳар Кенгаши «Аёллар қаноти» вакиллари,
жамоат ва нодавлат нотижорат ташкilotлар ходимла-
ри иштирок этди.

— Хотин-қизларимизнинг ҳуқуқий саводхонлигини
ошириш, маънавиятини ва маданиятини янада юксалти-
риш, ўқишга бўлган интилишларини ҳар томонлама
қўллаб-қувватлаш, билимлар доирасини кенгайтириш-
га кўмаклашиш, оналик ва болаликни муҳофаза қилиш
бугунги куннинг энг долзарб масалаларидан биридир,
—деди жумладан тадбирни қириш сўзи билан очар экан
Тошкент шаҳар Хотин-қизлар қўмитаси раиси Фарида
Абдурахимова. —Чунки, бугунги аёл жамиятимизнинг асо-
сий таянч устунларидан ҳисобланади. Уларнинг изла-
нишлари, интилишлари боис ҳам Ватанимиз янада гул-
лаб-яшнамोқда. Истардимки, бизнинг ўзбек аёллари
ҳар доим ўзларининг тиниб-тинчимасликлари, фидойи-
ликлари, меҳнатқашликлари, садоқати, ҳаё ва ибоси билан
барча элатлар аёлларига ўрнак бўлсинлар. Ватани-
миз тинчлиги, равнақи, юксалиши йўлидаги меҳнатлари
билан ҳе қачон толмасинлар.

Шунингдек, анжуманда Ўзбекистон Республикаси
Фанлар академияси Тарих институти директори Д.Али-
мова, Жаҳон иқтисодиёти ва дипломатия университе-
тининг «Халқро ҳуқуқ» факультети декани Г. Матқари-
мова, Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги суд
қарорлари ижроси Департаменти директори уринбосари
С.Ходжаева, тарих фанлари доктори Д.Зияева ва бошқа
кўпгина оlima аёллар сўзга чиқдилар.

Улар ўз сўзларида Ўзбекистоннинг ижтимоий-сиёсий
ҳаётида аёлларнинг туган ўрни, тарих ва бугунги кун,
мустақиллик йилларида мамлакатимизда хотин-
қизларнинг ҳуқуқларини таъминлаш ва ижтимоий ҳимоя-
лаш, фуқаролик жамиятини ривожлантиришдаги аҳамия-
ти ҳамда уларнинг оила ва жамиятдаги фаоллигини оши-
риш борасидаги фикр-мулоҳазаларини айтиб ўтдилар.
Гулчеҳра ДУРДИЕВА

ТИЖОРАТ ХАБАРЛАРИ ВА ЭЪЛОНЛАР

Ўзбекистон банклари Ассоциациясининг «Универсал биржа маркази» МЧЖ 2007 йил 28 август куни соат 11.00да
«Ўзбекистон банклари Ассоциацияси» биносидан ўтказилган очик аукцион савдоларида Суд қарорларини ижро этиш,
судлар фаолиятини моддий-техника жиҳатидан ва молиявий таъминлаш департаменти Тошкент шаҳар ҳудудий бошқарма-
си томонидан тақдим этилган қуйидаги мулклар қайтадан қўйлади.
ЖСК-1-413/04-сонли ижро ҳужжати асосан тақдим этилган, Ўзбекистон Республикаси Миллий Хавфсизлик Хизмати-
нинг махсус автомашиналари сақлаш оморхонасида сақланаётган, 2001 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақами 10У0804
бўлган «Мерседес Бенц А-160» русумли автотранспорт воситаси. Бошланғич баҳоси—55 000 000 сўм.
ЖСК-1-413/04-сонли ижро ҳужжати асосан тақдим этилган, Ўзбекистон Республикаси Миллий Хавфсизлик Хизмати-
нинг махсус автомашиналари сақлаш оморхонасида сақланаётган, 2001 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақами 10АН999
бўлган «Мерседес Бенц SL-500» русумли автотранспорт воситаси. Бошланғич баҳоси—100 000 000 сўм.
Ушбу мулкларни суд ижрочилари иштирокида бевосита жойга чиқиб кўриш мумкин. Савдода қатнашиш учун харидор-
лар тўлов ҳужжатида мулк номи, ижро ҳужжати рақами ва санасини кўрсатилган ҳолда объект бошланғич баҳосининг 10
фоиз миқдоридан закалат пулини «Ўзбекистон банклари Ассоциациясининг Универсал биржа маркази» МЧЖнинг «Асака»
банк Автотранспорт филиалининг «Альянс» минибанкдаги, МФО 00417, СТИР 204325773, ҳ/р 20208000804234776001
тўлашлари ва ариза топширишлари шарт. Иштирок этиш учун топширилган аризаларни ва закалат пулларини қабул
қилиш савдодан бир кун олдин тўхтатилади. Савдода қатнашиш тартиби ва шарт-шароитлари масалалари юзасидан
қуйидаги манзилга мурожаат қилишингиз мумкин: Тошкент шаҳри, Шайхонтоҳур тумани, А.Хўжаев кўч. 1-уй.
Тел. 138-69-94, 138-69-93. Лицензия ДВ 001 №000010

СОЛИҚ ТЎЛОВЧИЛАР
ДИҚҚАТИГА !

Тошкент вилоят Хўжалик судининг
2007 йил 30 июлдаги №11-0706/7206-
7207-сонли иш ахиримларига асосан
«ARSAN-BUSINESS» МЧЖ ва «ARKOR-
FOOD» шўъба корхонасини банкрот
деб топиш тўғрисида иш қабул қилин-
ган.

Кредиторларнинг биринчи йиғили-
ши 2007 йил 14 август куни соат
11.00 да Зангиота тумани, Хонобод
КФЙ «Гулчеҳра» кичик корхонаси би-
носидан бўлиб ўтади ва 2007 йил 14
август куни соат 11.30 да Зангиота
тумани, Хонобод КФЙ «Гулчеҳра» ки-
чик корхонаси биносидан бўладиган
сайёр суд мажлиси муҳокамасида кўриб
чиқилади. Тел: 290-43-67.

Мунажжим башорати

ЧАПДАСТЛИК ВА МАҲОРАТ КУНИ

10 АВГУСТ, ЖУМА
Бугун Қўёш Арслон буржининг 18-
даражасида бўлиши инсонларда чап-
дастлик ва янги иш усулларини ҳаёт-
га татбиқ этиш учун қулайликлар туг-
диради. Муҳим ижтимоий тадбирлар,
юридик ишлар ва хизматларни рас-
мийлаштиришда омад ёр бўлиши ку-
тилади.

Лекин кийим-кечак, пойабзал ва рўзгор
ашёлари сотиб олиш учун бугунги кун
тўғри келмайди: бугун харид қилинган бу-
юмлар тез эскириб, яроқсиз ҳолга кели-
ши кузатилган. Ойимонинг самовий жой-
лашиш денгиз саёҳатлари ва сув билан
боғлиқ муножалар хайрли бўлишидан да-
лолат беради. Кун бўйи соат зангларини

эшитиш қўтилмаган омад ва бахтдан да-
рак берувчи хушхабар ҳисобланади.

БАҲУН:

- меҳнатда ташаббус кўрсатиш;
— транспорт ва коммуникацион муам-
моларни бартараф этиш;
— давлат муассасалари, олий ўқув юр-
тлари, туристик ва кадрлар агентликлари
вакиллари билан учрашиш;
— хоначи ўсимликларни ўтказиш, қўқат
уруғини сепиш;
— ўзингизни муносиб тутиш тавсия
этилади.
Иродангиз бўшлигини намоён этиш, ўз
куч ва имкониятларингизга шубҳа билан
қарашдан ўзингизни асранг.
Кийимлардан истаган ранглардагила-
рини кийишингиз мумкин.

«ТОШКЕНТ
ОҚШОМИ»

Эълонлар шанба
ва яқшанбадан ташқа-
ри ҳар куни соат 9.00
дан 16.00 гача қабул
қилинади. Маълумот-
лар учун телефон:
133-28-95. Факс:
(3712) 133-21-56.
Манзилимиз: Матбу-
отчилар кўчаси,
32-уй,
2-қават, 208-хона.

ТИЖОРАТ ХАБАРЛАРИ ВА ЭЪЛОНЛАР

Электр энергиясидан истеъмолчи сифатида фойдала-
нишда мавжуд муаммолар юзасидан Тошкент шаҳар
монополиядан чиқариш, рақобат ва тадбиркорликни
қўллаб-қувватлаш ҳудудий бошқармасидаги мавжуд ишонч
телефонларига мурожаат қилишингизни сўраймиз.
Корхона ва ташкilotлар учун: 133-75-52, аҳоли учун:
133-09-39.

«Ўйўлбуглаш» Республика таъминот бошқармаси жа-
моаси бошқарма ходими Рихсибой Каримовга уқаси
Хусайн ЭЛИБОВНИНГ
вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор
этади.

Бош муҳаррир
Акмал АКРОМОВ
Муассис: ТОШКЕНТ ШАҲАР
ҲОКИМЛИГИ
Буюртма Г- 706

Манзилимиз: 700000,
Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар кўчаси, 32

ТЕЛЕФОНЛАР:
хатлар — 133-29-70; эълонлар: 133-28-95,
136-57-65. факс: (3712) 133-21-56.
Душанба, сешанба, чоршанба, пайшанба
ва жума кунлари чиқади.
Нашр кўрсаткичи — 563

Газета Тошкент шаҳар
Матбуот ва ахборот
бошқармасида 02-1-рақам
билан рўйхатга олинган.
Ҳажми — 2 босма табоқ,
офсет усулида босилади.
2875 нусxada босилди.
Қоғоз бичими А-2

Нашри етказиб бериш масалалари буйича
турар жойлардаги почта бўлимларига еки
«Тошкент почтамати»га — 133-74-05 телефонига
муружаат қилишингиз мумкин.
Газета «Тошкент оқшомининг» компьютер
марказида терилди ва саҳифаланди.
«Шарк» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси
босмахонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41-уй.
1 2 3 4 6
Топширилган вақти: 13:14